

# ҚУЁШ ПАНЕЛЛАРИ ЎРНАТИЛМОҚДА



Президентимиз келгуси уч йилда барча давлат ташкилотларида қуёш панеллари ва иссиқ сув коллекторлари ўрнатилишини таъкидлаган эди. Бу борада Олтинсой туманида ишлар бошлаб юборилган Халқ депутатлари Олтинсой туман Кенгашининг Таълим, соғлиқни сақлаш, маданият, спорт ва ижтимоий ҳимоя масалалари бўйича доимий комиссия раиси депутат Раҳманов Муртаза Абдихалиловичнинг ўзи фаолият юритаётган туман Тиббиёт бирлашмасига қарашли Тез тиббий шошилиш бўлимига қуёш панеллари ўрнатиш жараёнларида фаол қатнашмоқда.